



POSTDA



Ўзбекистон Республикаси
IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqq boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • 2010-yil 4-dekabr, shanba • №49(3890)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ВА БАХТИМИЗ КАФОЛАТИ



Парламент ҳаёти



УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси мамлакатимиз Президент Ислам Каримовнинг парламент палаталарининг шу йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокама-сига бағишланди.

Унда барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар сўзга чиқдилар. Муҳокамада иштирок этганлар давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси юртимизнинг янги тараққиёт босқичида ўзига хос дастуруламал бўлишини таъкидладилар. Депутатлар Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган олти муҳим устувор йўналиш жамият ҳаётининг барча жабхаларини изчил ривожлантиришда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасидаги таклифлари мамлакат ҳаётида, жумладан парламент фаолиятида сиёсий партиялар ролининг ошишини тақозо этади. Бу эса ўз навбатида партияларнинг ўзаро соғлом рақобатини кучайтиради, уларнинг омма ичига чуқур кириб боришини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилишда дадиллик ва изчиллик кўрсатишлари, халқчил қонунлар қабул қилиш ташаббуслари билан чиқишлари лозимлиги ҳақида гапирдилар. Аммо керак бўлганда, умуммиллий манфаатлар тўғрисида гап кетганда бундай муштарак мақсадлар атрофида ўзаро уюшиш, бирлашиш ҳам зарурлиги таъкидланди.

Парламент олдидан турган залворли, масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қуйи палатанинг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги айтиildi. Жумладан, жаҳон парламентаризми тажрибасида парламент эшитиш, парламент тегириш ва маъжудлиги қайд этилди. Парламент назоратининг депутатлик сўрови, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳанинг аҳоли тўғрисида ижро ҳокимияти органлари раҳбарларини эшитиш каби шакллардан самаралироқ фойдаланиш зарурлиги уқтирилди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифаларни бажариш мақсадида янги ривожланиш босқичида парламент фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни таклиф этдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кун тартибидagi масала муҳокамаси якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилди.

Ўз мухбиримиз.

Бухоро шаҳрида республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш Бухоро вилоятида хизматлар кўрсатиш соҳасининг буғунги ҳолати ва истиқболларини ўрганиш якунларига бағишланди.

Унда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида вилоятда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳам борлиги таъкидланди. Йиғилиш якунида соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида тавсиялар берилди.

Рўзигул ЙҮЛДОШЕВА.
Бухоро вилояти.

Миннатдорлик

ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ!

Соғлигимни тиклаш мақсадида республика ИИВнинг «Ўзбекистон» санаторийсида дам олиб, даволандим. Бу шифо масканида тартиб оstonадан бошланар экан. Ичкарига кирганингиз ҳамона ўзингизни худди эртақдаги манзарага тушиб қолгандек сезасиз. Арча дарахтлари, дарахтзорларда олмаҳонлар сакраб юрибди, қушлар сайраяпти. Бу нақ жаннат маконининг ўзи эди.

Санаторий бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи, подполковник Азиза Мўминованинг ташаббуси ва изланувчанлиги, шунингдек, санатория ходимларининг ҳар ишда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари яққол сезилиб туради. Энг муҳими, хушмуомалалик маданияти юксак даражада экани қалбларга малҳам улашиш билан баробардир.

Даволувчи шифокор, капитан З. Каримова, кардиология бўлими бошлиғи, лейтенант З. Холматов, катта ҳамшира, кичик сержант М. Капранова, навбатчи маъмур, сафдор О. Николаева, ҳамширалар А. Подольская, А. Мустафина, Д. Матякубова, массажчи Л. Шариповаларнинг хизмати алоҳида тахсинга лойиқ.

Қўп йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, айни вақтда кесалик гаштини сураётган кишиларга ҳам саломатликларини тиклашда жиддий эътибор қаратаётган ИИВ раҳбариятига ҳамда меҳрибон шифокорларга раҳмат айтиб, улар ҳаммиса омон бўлишларини тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ фахрийлар номидан

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
истеъфодаги подполковник.
Самарқанд вилояти.

Илмий-амалий анжуман

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ – БОШ МЕЗОН



Инсон ҳуқуқлари – олий кадрият, уни ҳимоя қилиш эса ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий мақсадидир. Зеро, инсон қадри, шаъни эъзозланган юртнинг келажаги порлоқ, йўли чароғондир. Бош Қомусимизда бу тамойиллар ўз аксини топди ва янада мустаҳкамлантирилмоқда.

Республика ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг конституциявий механизми» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳам айни шу мақсадга қаратилганди. Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, ИИВ Академияси, Тошкент олий-ҳарбий тех-

ника билим юрти профессор-ўқитувчилари, курсантлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқа мутахассислар иштирок этишди.

Тадбирни ИИВ ЁХОТМ бошлиғи, полковник Тохритдин Наджимов очиб, қатнашчиларни Конституция-миз қабул қилинганига 18 йил тўлганлиги муносабати билан табриклади. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси борасида амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор Ахтам Турсунов «Конституция – мамлакат мудофаа ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати» мавзусида маъруза қилди.

Республика ИИВ Академияси «Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихи» кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор Ҳожимурод Одилқориевнинг инсон

ҳуқуқларини ҳимоялашнинг конституциявий механизмининг такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари хусусидаги фикр-мулоҳазалари, Тошкент давлат юридик институти

кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор Жуманазар Холмўминов, республика ИИВ ЁХОТМ кафедра бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент Меҳмонали Сувокуловларнинг чиқишлари қатнашчиларда чуқур таассурот қолдирди. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари туган ўрни тўғрисида Ўзбекистон миллий университети тадқиқотчиси Зафар Рўзиевнинг фикр-мулоҳазалари ҳам иштирокчилар эътиборини тортди.

Анжуман сўнггида иштирокчилар ўртасида ўзаро мунозаралар бўлиб ўтди.

Умид Боллиева,
катта сержант.



ТАЙИНЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, полковник Тоҳирдин Зухридинович НАДЖИМОВ.



Тоҳирдин Зухридинович Наджимов 1965 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент электротехника алоқа институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ ўт ўчириш техникаси ва алоқа воситалари хизмати муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1993–2002 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ бош мутахассиси, ХЁХК бошлиғи ўринбосари, бошлиғи, 2002–2010 йилларда Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ ЁХБ ХЁХО командири, вилоят ИИБ ЁХБ моддий-техника таъминоти бўлинмаси бошлиғи, вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғининг ўринбосари, бошлиғи, ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

Бухоро вилояти Қорақул тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Барот Ходжиевич БОЛТАЕВ.



Барот Ходжиевич Болтаев 1960 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1986 йилда Бухоро вилояти Тўқимачилик тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси лавозимидан бошлаган. 1987–2000 йилларда Бухоро вилояти Фиждудон тумани ИИБ ШТБИГ инспектори, Ф. Хўжаев тумани ИИБ ТБ терговчиси, вилоят ИИБ ТБ терговчиси, катта терговчиси, Ф. Хўжаев тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари – тергов бўлинмаси бошлиғи, Бухоро шаҳар ИИБ ТБ бошлиғи ўринбосари, 2000–2010 йилларда Когон шаҳар-туман ИИБ ТБ бошлиғи, Тўқимачилик тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчиси, Бухоро вилояти ИИБ ЖК ва ТҚБ бошлиғининг ўринбосари, Олот тумани ИИБ бошлиғи, Вобкент тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Бухоро вилояти Вобкент тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Усмон Ражабович ХАЛИМОВ.



Усмон Ражабович Халимов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1986 йилда Бухоро вилояти Вобкент тумани ИИБ тергов гуруҳи терговчиси лавозимидан бошлаган. 1987–2010 йилларда Бухоро вилояти Тўқимачилик тумани ИИБ ТБ терговчиси, Фиждудон тумани ИИБ ТБ терговчиси, бўлинма бошлиғи, ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Олот тумани ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Фиждудон ва Қорақул тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Учрашув

ФАХРИЙЛАР КУРСАНТЛАР ҲУЗУРИДА

Республика ИИБ Академияси дала ўқув-машқ майдонидан Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг ички ишлар идоралари фахрийлари – ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ф. Раҳимов, кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги генерал-майор Э. Норгитов, Академия фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Э. Арифжанов билан учрашув бўлиб ўтди.

Сузга чиққан фахрийлар ички ишлар идоралари ходими касбини фақат қучли, интизомли, қонунарға қатъий риоя қиладиган инсонларгина эгаллашлари мумкинлигини таъкидлашди. Бу касб кишидан ғайрат-шижоат, бор имкониятини ишга солиб қилиш, малакасини мунтазам ошириб боришни, излашни талаб қилишини, ҳуқуқ-

тартибот ходимлари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан қонунийликни мустаҳкамлаб, мустақилликнинг юксак голярига содиқликларини намойиш этишлари шартлигини айтиб ўтдилар. Шунингдек, мамлакатимиз Президентини номинант бўлиб 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги ёш авлодни тарбия-

лашга ҳар томонлама эътибор қаратилаётганлигининг яққол далили эканлигини алоҳида қайд этишди.

Ортимизда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, йигит ва қизларни ҳар томонлама замон талабларига мос келадиган баркамол шахслар қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Учрашув якунида ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари бошлиғи, полковник С. Тангирбердиев фахрийларга миннатдорлик билдириб, уларга мустаҳкам соғлик, узоқ умр тиллади.

М. КАРАМОВ,
майор.

Тадбир

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ЭЪТИБОРИДА

СЕМНАР ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ БЕЗОПАСНОСТИ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ: ЦЕЛИ, ЗАДАЧИ И ПОКАЗАТЕЛИ ЭСКОРТ ООН В ОБЛАСТИ ДОРОЖНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

25 НОЯБРЯ 2010г. ТАШКЕНТ



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг бевосита иштирокида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси томонидан Тошкент шаҳрида «Халқаро ҳамкорлик маркази»да ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига бағишланган семинар-йигилиш ўтказилди. Тадбирда БМТнинг Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг транспорт бўлими маслаҳатчилари М. Регми ва Р. Ханг иштирок этди.

Семинар-йигилишда республика ИИБ ИХХБ бошлиғи, полковник Х. Сайдалиев бошчилигида бош бошқарма, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда Тошкент вилояти ИИББ масъул ходимлари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтотойл» ДАК, Тошкент автомобиль йўллари институти ва бошқа тегишли вазирлик, идораларнинг вакиллари қатнашди. Тадбир давомида ИИБ ДИХХ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтотойл» ДАК томонидан республика ҳудудида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, БМТнинг Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг транспорт бўлими маслаҳатчилари М. Регми ва Р. Хангнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг олдини олиш бўйича уюштирилаётган тадбирлар ҳақидаги тақдирот маърузалари тингланди.

Йигилишда БМТнинг «Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўн йиллик режаси»га асосан 2011–2020 йиллар давомида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Миллий стратегияни ишлаб чиқиш масаласини муҳокама қилишди ва йиғилганларга ўз лойиҳаларини тақдим этишди. Семинар-йигилиш якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг транспорт бўлими маслаҳатчиси М. Регми сузга чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилётган ишлар, жумладан, ҳуқуқат даражасида бу масалага катта аҳамият берилаётгани, бу борда бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани катта таассурот қолдирганини таъкидлаб ўтди.

ЗУККОЛИККА ЧОРЛОВЧИ БАҲСЛАР

Ички ишлар вазирлиги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида Коммунизмнинг 18 йиллиги муносабати билан курсантлар ўртасида «Конституция – фаровон келажак асоси» номида қўриқ-танлов бўлиб ўтди.

«Посбон», «Огоҳ», «Қалкон», «Ҳуқуқ» номида гуруҳларнинг тўрт шарт асосидаги беллашулари савол-жавобларга бой, қизиқарли тарзда кечди. Дастлаб курсантлар Асосий қонунимиз ҳақидаги билимларини намойиш этган бўлсалар, кейинги шартда ўзларининг иқтидорлари билан томошабинларга завқ улашди. Ватан, ватанпарварлик, она ҳақидаги шеърлардан ўқиб, XXI аср муаммоларини сахна кўринишлари орқали ифода қилишди. Учинчи шартда қатнашчиларнинг ижтимоий, сиёсий билимлари, қулолни қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича касбий маҳорати синоддан ўтказилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исмоил Жалилов бошчилигидаги хайъат аъзолари қатнашчиларнинг иқтидори ва истеъдодига муносиб баҳо бериб боришти. ИИБ Ашула ва ракс ансамбли хонандаларининг дилтортар наволари барчаи даврага чорлади.

– Танлов жуда юксак савияда ташкил этилибди, курсантларнинг бу қадар иқтидори эса таҳсинга сазовордир, – дейди И. Жалилов. – Театрлардан сахна кўринишлари уларнинг санъатдаги қобилиятини кашф этди. Бу каби тадбирлар ёшларимиз тарбиясида катта аҳамиятга эга.

– «Ҳуқуқ» гуруҳи иштирокчиларининг чиқишлари ёқди, – дейди марказ ўқув бўлими ходимаси, кичик сержант С. Фаттоҳова. – Қолган гуруҳларнинг ҳам меҳнатлари таҳсинга сазовор. Ёшларнинг, лоқайдлик каби мавзулардаги чиқишлардан кўриниб турибдики, ёшлар бу иллатларга қарши.

Йиғилган баллар натижасига кўра «Қалкон» гуруҳи биринчи, «Огоҳ» ва «Ҳуқуқ» гуруҳлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Ҳолиларга рангли телевизор, DVD плёнерлари ва Фахрий ёрликлар топширилди.

Г. АВАЗОВА.

МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси томонидан «Ёнгин хавфсизлиги ойлИги» доирасида учрашув ўтказилди. Унда асосий эътибор талабаларнинг ёнгин хавфсизлиги қондалари бўйича билиминини оширишга қаратилди. Тадбирда ўзларининг тасаввурини ва тафаккурини янада бойитишга хизмат қилувчи ёнгин ва унинг оқибатлари ҳақидаги видеославлар, кўргазмали куруллар намойиш қилинди. Шунингдек, ишти-

роқчиларга ўт ўчиришнинг замонавий усуллари, фойдаланиш учун қўлай мосламалар, махсус автомобиллар хусусида ҳам атрофлича маълумотлар берилди. Бундан ташқари, ёнгин содир бўлган пайтда қандай ҳаракатланиш зарурлиги, қутқариш чоралари бўйича берилган тушунча барчада катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув талабаларни қизиқтирган савол-жавобларга асосланган янада баҳс-мунозараларга бой бўлгани билан катта аҳамият касб этди.

Зулфия АХРОРОВА,
подполковник.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 15-модда.

йиллик режаси»га асосан 2011–2020 йиллар давомида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Миллий стратегияни ишлаб чиқиш масаласини муҳокама қилишди ва йиғилганларга ўз лойиҳаларини тақдим этишди.

Шундан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, Ўзбекистонда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Миллий стратегияни ишлаб чиқиш масаласини муҳокама қилишди ва йиғилганларга ўз лойиҳаларини тақдим этишди.

Семинар-йигилиш якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг транспорт бўлими маслаҳатчиси М. Регми сузга чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилётган ишлар, жумладан, ҳуқуқат даражасида бу масалага катта аҳамият берилаётгани, бу борда бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани катта таассурот қолдирганини таъкидлаб ўтди.

А. ЮНУСОВ,
капитан.

10 декабрь – Инсон ҳуқуқлари халқаро куни

«ХИЗМАТ ВАЗИФАМИЗ ВА ИНСОННИЙ БУРЧИМИЗ»

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун арафасида муҳбиримиз Ўзбекистон Республикаси ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғун билан суҳбатлашди. Ички ишлар ишлар идораларида инсон ҳуқуқларининг таъминлишини мавзусига бағишланган ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

– Юртбошимизнинг таъбирлари билан айтганда, мустақиллик – бу ҳуқуқ демакдир. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билган инсон уларни ҳар қандай жойда талаб қила олади, ҳимоя қилиб билади. Шу маънода сизнинг раҳбарлигингиздаги бошқарма ходимлари кенг аҳоли, хусусан ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш борасида қандай ишларни амалга оширишмоқда?

– Тўғри айтдингиз, ҳақ-ҳуқуқнинг қонун йўли билан белгилаб берилиши ҳали ярим иш. Қонуннинг қоғозда қолиб кетмаслиги, ҳаётга татбиқ

этилиши ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бунда ҳуқуқий тарғибнинг аҳамияти бекиёс. Шунинг учун ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишни фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаймиз. Бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсам, якунига етиб бораётган йилмиз ушбу йўналишдаги тадбирларга бой бўлди. Жумладан, пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофизати» қилишни тақомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий

конференцияда ходимларимиз фаол қатнашди. Республика Бош прокуратураси, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази, ЮНИСЕФ ҳамда Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган ушбу анжумандан кун тартибидagi масала юзасидан қатор фойдали тақлифларни илгари сурдик. Шунингдек, республика ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва «Истикболли авлод» ёшлар ахборот-маърифий маркази томонидан «Баркамол авлод ҳуқуқий юксалиш йўлида» мавзусида ўтказилган конференцияда ҳам иштирок этдик.

Бевосита бошқармаимиз томонидан ташкил этилган анжуманлар устида тўхтайдиган бўлсам, республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий-техника мактабида «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида ўқув семинари ўтказдик. Унда яхши кўрсаткичларга эришган курсантлар рағбатлантирилди. Апрельнинг охирида

Семинар

Тошкент шаҳар ИИББ Воғга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган «Баркамол авлоднинг ҳуқуқий юксалишида Конституциянинг роли» мавзусида семинар ташкил этилди.

Уни Тошкент шаҳар ИИББ ИХХБ ва ЮТБ бошлиғи, полковник Азиз Эрназаров очиб, Асосий қонунимиздаги ҳар бир модданинг асл маъносини ёш авлод онгига сингдириш зарурлигини айтиб ўтди. Шунингдек, кун тартибидagi мавзу юзасидан республика ИИБ ИХХБ ва ЮТБ бошлиғи, подполковник И. Турғуннинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Тошкент шаҳар минтақавий вакили А. Абдураҳмоновнинг «Болалар ҳуқуқи Омбудсман нигоҳида», Фуқаролик жамиятини ўрғаниш институти ходими Б. Шамсидиновнинг

«Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори», Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлар доктори М. Баратовнинг «Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг роли» ва шунингдек, бошқа иштирокчиларнинг маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, республика ёшларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу йўлда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш ҳамда ёшларни баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг қўламин ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёш авлодни бардам-бакуват, соғлом инсон бўлиб воғга етиши ҳамда уларга ижтимоий-ҳуқуқий кўмак бериши

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЮКСАЛИШИДА КОНСТИТУЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

биринчи галдаги вазифа эканлиги ҳам тадбир иштирокчиларини томонидан қайд этилди.

Қизиқarli савол-жавоб ва фикрлар алмашуви тарзда ўтган тадбирда қатнашчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳри.

Қарор ва ижро

КЕЧИРИШ – ИНСОННИЙЛИК ДЕМАКДИР

Президентимизнинг тақдирномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорнинг ижроси юзасида Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги жазони ижро этиш муассасасида тадбир бўлиб ўтди. Унда суд ва прокуратура вакиллари, жамоат ташкилотларидан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этишди. Шу кун аминистиянинг 5-банди бўйича бир гуруҳ маҳкумлар озодликка чиқарилди.

– Етарли саводга эга бўлмаганим туфайли диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб, озодликдан маҳрум этилдим. Менга билдирилган ишонч учун беҳад мамнунман. Келгусида ҳалол меҳнатим билан қилган гуноҳимни ювишга аҳд қилдим, – дейди озодликка чиқаётган Бахтияёр Ғозибеков.

Шундай бахтга мушарраф бўлганлардан яна бири Мухаммадҷон Рустамовдир. У диладаги гапларни қуйидагича ифодалади:



– Бу ерда ўтган дамларимда қилшим оғир жиноят эканлигини англаб етдим. Мендан ҳам кўпроқ оила аъзоларим ва фарзандларим жабр кўришди. Энди болалар тарбияси билан жиддий шуғулланиб, шу муқаддас юртга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб воғга етказиш ниятидаман.

Кечиримлик, бағрикенглик халқимизга хос фазилатлар ҳисобланади. Инсон қилган хатосидан пушаймон эканлигини инобатга олиб, унга ўз йўлини топиб оlishда имкон берилаётгани хайрли амалдир. Энди ҳамма гап билдирилган ана шу ишончнинг қадрига етиб, уни садақат билан оқлашди.

Озодлик ҳавосидан нафас олиш бахтига эришган фуқаролар ва уларнинг яқинлари шу кунларга етганларидан беҳад хурсанд эканликлари юз ифодалирдан сезилиб турарди. Улар Юртбошимизнинг эътиборидан чексиз миннатдор эканликларини изҳор этишди.

А. БЕГАЛИЕВ,
лейтенант.

Юксак мукофот соҳиблари

Орамизда шундай касб эгалари борки, улар эл-юрт осойишталиги учун ўз халоватидан кечи...

СОДИҚ ХИЗМАТГА МУНОСИБ БАҲО

Фарход ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультетига сирт...



Хизмат хонасига ташриф буюраётган ёш ходимларга йўл-йўриқ кўрсатиб, либосини тоза ва озода...

Ички ишлар идоралари ходимлари куни арафасида Фарход Курбонов ҳуқуқшуноснинг юксак мукофоти...

бера оладиган, кийинишда, юриш-турида бошқаларга ўрнак бўлиш кераклигини уқтирарди.

Устозлар ўғитига амал қилган Ф.Курбонов шогирдлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Зиёдулла ХАЛИЛОВ. Қашқадарё вилояти. Суратда: Фарход Курбонов шогирдлари даврасида.

УШАЛГАН ОРЗУ

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш осон иш эмас. Бу ҳар бир ходимдан касбий маҳорат...

Ҳақим болалигидан спортга кўнгли қўйиб, жисмонан чиникди. Навоий дўлат коччилик институти тугатиб ҳарбий хизматни...

Курашда ҳамкасбларига ўрнак кўрсатди. Чаққонлиги, уздабурролиги туфайли раҳбарият назарига тушди.

ковник Гофур Чўлиевларнинг тажрибалири хамиша мададор бўлапти.

Ўтган йиллар давомида вилоят ҳудудида содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги бир неча жиноятларнинг «иссиқ изида» фош этилишида...

Мирзо АҲАДОВ. Навоий вилояти.

«ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИКЛАР ФОЙДА БЕРМОҚДА

Инсоният азалдан турли ҳилдаги хавфли ҳодисалар билан курашиб келади. Шулардан бири ёнғиндир.

Республикада аҳоли ва яшаш хонадонларини, халқ ҳўжалиги тармоқларини ёнғиндан асрашга йўрилган бир қатор мезъерий ҳужжатлар мавжуд.

лар янғидан харид қилинди. Заводнинг барча ишчи-хизматчилари махсус кийим беш ва шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган.

Ишчи-хизматчиларни ёнғин ва фавақулда ҳолатларга тайёрлаш борасида соатли ўқув машғулотлари ўтказилиб, тест синаволари қабул қилинди.

2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди шахсий таркиби завод-

нинг фуқаро муҳофазаси тузилмалари билан ҳамкорликда цех ва участкаларда ўқув амалий-тактик машқ ҳамда машғулотларни ўтказиб келмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг режасига асосан яқинда барча вилоятлардан соҳа ходимларини жалб қилган ҳолда ёнғин ўчириш амалий-тактик машқ ўтказилди.

Бундан ташқари, 18 та кўнгли ёнғин ўчириш гуруҳлари ташкил қилиниб, уларнинг 262 нафар аъзолари билан мунтазам равишда машғулотлар ташкиллаштирилган.

Бахтиёр ЮНУСОВ, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи етакчи муҳандиси. Бухоро вилояти.



ҲУШЁРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, қай тарзда рўй беришига қарамай, ўзининг муҳим ишларини қолдиради.

Мана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона, ташкилот, муассасалар, шунингдек, аҳоли турар жойларида оқддийгина ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилиш орқали...

Маълумки, шу кунларда республикада «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу тадбир нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини англаган соҳа ходимлари зиммаларидаги вазифаларга янада масъулият билан ёндашишга...

Ёнғинга олиб келувчи турли ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ўртасида, маҳаллалар, мактабгача тарбия, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Амалга оширилаётган профилактик тадбирларга қарамай, ёнғин чиқиш ҳолатлари ҳамон ўраб турибди. Тахлиллар бундай кўнгилсизликлар асосан фуқароларнинг эҳтиётсизлиги, қўлбола электр ва иситиш ускуналарида фойдаланиши оқибатида юзага келаётганини кўрсатмоқда.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида мамлакатимизда яшаётган ҳар бир киши ўз бурчига содиқ қолиб, ушбу тадбир кўнгилдагидек ўтишига муносиб ҳисса қўшади.

Фахриддин АРИПБОВ, кичик сержант.

ФАОЛЛИККА УНДАЁТГАН ОМИЛ

Мустиқиллик берган имкониятлар туфайли Қорақалпоғистон Республикаси тобора фаровонлашиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда кўплаб замонавий бинолар, иншоотлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармоишига биноан мамлакатимизда давом этаётган навбатдаги тадбир аввалида Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ томонидан газ, электр таъминоти, сув ҳўжалиги ва иситиш тизимлари мўтаассадлари билан биргаликда ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, режа-тадбирлар ишлаб чиқилди.

ТАДБИР САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Ҳоразм вилояти ИИБ ЁХБ тизими ходимлари иқтисодий тармоқнинг осойишталиги учун бор имкониятларини ишга солишмоқда. Бу айниқса «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида яққол намоён бўлапти.

Қиш мавсумида ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг кўпроқ ўраши соҳа ходимларидан янада масъулиятли бўлишни талаб этади. Шу боис вилоят ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар, қишлоқлар, маҳаллалар, ўқув муассасаларида кенг қўламдаги профилактик тадбирлар олиб борилапти.

офатларнинг аксарияти хонадон катталарининг беларволиги туфайли юзага келапти. «дейти вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи, полковник Рустам Атажанов. «Отанларнинг ўз фарзандларини қаровсиз қолдириши, турли газ ва электр мосламалардан нотўғри фойдаланилаётгани ҳамда ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этилмаётгани бундай бахтсиз ҳодисалар келиб чиқишига сабаб

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да уюшқоқлик билан катнашмоқда. «Туртқул-ок олтин» оқиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилаётган тадбирлар ҳам ибратли бўлаётганини эътироф этиш лозим.

Шу ўринда тумандаги 9-ЎХҚ ходимларининг фаоллигини алоҳида таъкидлаш зарур. Кенг қўламли профилактик тадбирлар самараси ўлароқ улар хизмат ўтаётган ҳудудда ёнғин ҳолати қайд этилмади. Шунга қарамай тарғибот-ташвиқотлар давом эттирилиб, жойларда амалий машғулотлар ташкил этилапти.

Ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар яхши натижа берапти, амбатта. Айни пайтда ойликни самарали яқунлаш масъулияти соҳанинг ҳар бир ходимини фаолликка ундамоқда.

Дурдобиё ХУДОЙШУКУРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси.

бўлмоқда. Ўтказилаётган тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад фуқароларимизнинг жамият, ўз оиласи олдидagi бурчида содиқ қолишни англаштириш иборат.

Вилоят ҳудудида ўтказилаётган ёнғин хавфсизлиги ойлигининг биринчи ўн кунлиги давомида 591 та маҳкан ҳамда 34 миң 651 та аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилмаган фуқароларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Олиб бориладиган бундай саъй-ҳаракатлар натижада ёнғин соҳаи бўлиши ўтган

йилнинг шу даврига нисбатан анча камайишига эришилди. Бу эса тадбир давомида тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилаётгани туфайли самарадорлик ошаётганидан далолат беради.

Улмаизга қиш кириб келиши билан ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар сони бир мунча ошиши табиий. Шунинг билан вилоят ИИБ ЁХБ тизими ходимлари тилсиз ёвга қарши курашни янада кучайтириш учун барча зарур чора-тадбирларни кўришмоқда.

Собиржон БОБОЖОНОВ, Ҳоразм вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, капитан.

Қарор ва ижро

ПИРОТЕХНИКА ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

Мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкчиликнинг шакллантиришга муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2010 йилнинг 22 сентябрда «Пиротехника буюмлари муомаласини тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

ний равишда республикада бозорларида сотиш ва фойдаланиш олиш юзасида режалар, фуқаролар билан учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларда аҳолига қонуннинг моҳияти тушунтирилиб, ҳуқуқбузарликлар

ишчи гуруҳи ташкил этилиб, уларга Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматидаги масъул ходимлар бириктирилган. Шу вақтгача мазкур гуруҳлар томонидан 3565 та рейдлар ўтказилди.

Текширишлар жараёнида қўлаб автоташна, дўкон, савдо растанси, хонадон, иншоотлар ҳамда чакана савдо билан шуғулланувчи фуқаролар назоратдан ўтказилди. Шунингдек, пиротехника буюмлари ноқонуний ташилиши мумкин, деб топилган 220 та поезд ва улардаги йўловчилар ҳам назорат-текширувдан ўтказилиб, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунга қадар жами 11 миллион дондан ортиқ пиротехника буюми аниқланиб, тегишли идоралар томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилди ва айбдорларга нисбатан чоралар кўрилди. Савдо дўконлари, бозорлар, аҳоли гавжум жойларда пиротехника буюмлари билан яширилган савдо қилинишига барҳам бериш учун тадбир ўз самарасини бермоқда. Айниқса, жойларда фуқароларга қонун талаблари тушунтирилаётгани, ноқонуний савдо қилишнинг салбий оқибатлари ҳақидаги суҳбатлар катта аҳамият касб этапти.

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ, ИИБ ЁХББ катта муҳандиси, майор.



воситаларни марказлаштирилган ҳолда бошқариш учун тезкор штаб ва ишчи гуруҳи тузилди.

Вилоятларда маҳаллий ҳокимликлар, бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари, фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда пиротехника воситаларининг ноқону-

ни равишда республикада бозорларида сотиш ва фойдаланиш олиш юзасида режалар, фуқаролар билан учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларда аҳолига қонуннинг моҳияти тушунтирилиб, ҳуқуқбузарликлар

ишчи гуруҳи ташкил этилиб, уларга Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматидаги масъул ходимлар бириктирилган. Шу вақтгача мазкур гуруҳлар томонидан 3565 та рейдлар ўтказилди.

ХИЗМАТЛАРДА

МИНГЧИНОР ПОСБОНИ

Бугунги кунда профилактика инспектори фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилавий келишмовчиликлар ҳамда бошқа муаммоларни биргаликда бартараф этаётганлари боис ҳудудда оёсайшталик ҳукм сурмоқда...



Майор О. Маҳмудовни ҳизмат хонасида кам учратасиз. У маҳалла посбонлари билан гоҳ нотинч оилада, гоҳ мактабда, баъзан маҳалла гузарига оғоҳликка даъват этувчи тadbир ўтказётганнинг гувоҳи бўласиз...

Мудири Мингчинор қишлоқ милиция таянч пунктига келиб, кимдир тунда 12 бош қўйини ўғирлаб кетганини билдирган эди. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида ушбу жиноят майор О. Маҳмудов ва маҳалла посбони Б. Аҳмедов томонидан қисқа фурсатда фoш этилди...

Йилнинг ўтган даври мобайнида Яккасарой тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими томонидан 150 та хонадон қўриқловга олинди. Умуман 550 тага яқин хонадон эгалари ишонч билдириб...

ИШОНЧЛИ ОМИЛЛАР САМАРАСИ

Қўриқловга олинаётган ишоотлар ва хонадонлар сонининг ошаётгани фуқаролар, қорхона, фирмаларнинг бизга ишончи ортиб бораётганидан деб биламиз...



Туман миқёсида ўтказилаётган тadbирларда иштирок этишяпти. Шу уринда хизматда бошқаларга ўрнак бўлаётган катта сержантлар Н. Турсунов, С. Мўминжонов, сержантлар М. Жамонов, Х. Михтибоев, кичик сержант Х. Ашууров, сафдорлар С. Яхёев, И. Эгамбердиевлар номини тилга олиш мумкин...

ЮҚОРИ САВИАЯЛИ ТАДБИРЛАР

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги тadbирлар аввало маҳаллаларда ташкил этилаётгани мумкин аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда вилоятимизда 314 та милиция таянч пункти мавжуд бўлиб...



Шу билан бирга, аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш максатидеда меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда турли мавзуларда давра сўхбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилаяпти. Ушатириляётган тadbирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида жиноятлар сони сезиларли даражада камайишига эришилди...

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 25-модда.

ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК НАТИЖАСИ

Бугунги кунда Бухоро темир йўл бекати ИИБ Навоий бўлими тасарруфида кўпбонли бекат, разъезд ва шоҳбекатлар бор. Шу билан бирга, ходимлар «Зарафшон» ва «Навоий» аэропортларида ҳам оёсайшталикни сақлашга масъул.

Ҳудудимизда барқарорликни таъминлаш, тезкор вазиятни назорат қилиш, қолаверса, вагонлардаги юкларнинг бус-бутунлигини таъминлаш, туриб қолган поезд жўнатмаларини қўриқлаш, шунингдек, жиноятларга йўл қўймалик биринчи галдаги вазифамиз ҳисобланади...

каби тadbирлар чоғида бўлима ходимлари томонидан кўпбонли жиноятларнинг олди олингани ҳам алоҳида таъкидлаш лoзим.

Мисолларга мурожаат этсак. 2010 йил 8 май кун «Химик темир йўл» бекатида «Тинчлик - Локомотив» депоси машинисти Р. Бекзод фуқаро И. Қобил билан тил бириктириб, ўз бошқарувидаги теллeвoзининг ёқилги бақидан 405 литр дизель ёқилгисини ўзлаштириш йўли билан талон-тароҳ қилаётганда қўлмиши фoш этилди...



Суратда: капитан Абдурасул Исканов ва кинолог Исомиддин Буронов хизмат пайтида.

Мирзо АҲАДОВ. Навоий вилoяти.

ЎЗ КАСБИНИНГ БИЛАМДОНЛАРИ

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Амалдаги қонунларга таянган ҳолда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун бор имкониятлар ишга солинаяпти...

Хивалик Ю. Баҳром ҳалол меҳнат ортидан пул топиш ўрнига гиёхвандлик воситаларини сотиб, бойлик ортиришни ўзига касб қилиб олган шахслардан бири. У навбатдаги жиноий режасини амалга ошираётган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди...

Ю. Баҳром бу гиёхвандлик моддаларини самарқандлик Р. Исмоилдан олганлиги маълум бўлди. Хива тумани ИИБ тергов бўлимига терговчиси, лейтенант Шухрат Игамов ҳамда туман ИИБ ЖК ва УЖҚБ тезкор вакили, катта лейтенант Шухрат Ниёзметовлар Самарқанд вилoятига хизмат сафарига бориб, Исмоилнинг уйини кўздан кечиришганда сотиш учун сақлаб қўйилган кўп миқдордаги героин топилди...

Хизмат фаолиятим давомида Урганч шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, капитан Шавкат Жабборов, Қўшқўйир тумани ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси, катта лейтенант Анвар Содиқов, вилoят ИИБ тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан Аброр Давлетовлардек тажрибали ходимлар томонидан олиб борилган тергов ҳаракатлари мукаммаллиги билан ажралиб туришига кўп бора амин бўлганман...

Э. РАҲАБОВ, жиноят ишлари бўйича Хива туман судьяси.

ИИБ Матбуот маркази хабарлари

ТУНГИ БОСҚИНЧИЛИК

Тунги соат уч яримларда уч номаълум шахс Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ПТЗ даҳасида яшовчи К. Татъянинг хонадонига босиб киришди. Босқинчилар уй эгасининг қизи К. Юлянинг бўйнига пичоқ тираб, жароҳат етказишди. Улар уйдан «Самсунг» русумли рангли телевизор ва уч юз миңг сўм пулни олиб, жуфтакни ростлашди. Юляга касалхонада тиббий ёрдам кўрсатилди.

«НЕКСИЯ» ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Фаргона вилoятининг Бувайда туманида яшовчи С. Мадалиев ишонч қoғози билан бошқарган «Нексия» русумли автомобилини (транспорт востаси Сирдарё вилoяти Гулистон шаҳрида яшовчи А. Тилаовдиёвга тегишли) Қўқон шаҳридаги «Мумтоз улғуржи» деҳқон бозори олдида қолдириб, ўзи бозорга кириб кетади. Автомашинанинг қаровсиз қолганидан фойдаланган номаълум шахс унга ўтириб, ҳайдаб қочади.



Қўрилган чоратadbирлар натижасида ушбу жиноятни Юқори Чодак қишлоғида яшовчи 44 ёшли Ш. Ҳаким ва 1980 йилда туғилган Қ. Муҳаммад содир этгани аниқланиб, ушландилар.

Қўрилган чоратadbирлар натижасида ушбу жиноятни Юқори Чодак қишлоғида яшовчи 44 ёшли Ш. Ҳаким ва 1980 йилда туғилган Қ. Муҳаммад содир этгани аниқланиб, ушландилар.

ҚИҲГИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

Бундан бир йил муқаддам Юносубод туманида яшовчи Х. Марҳумнинг уйини ўғри уриб кетган эди. Хонадон эгаси номаълум шахс уйга қалит танлаш йўли билан кириб, у ердан «Индезит» русумли кир ювиги машинаси, «Сане» русумли телевизор, «LG» русумли мусика маркази, «Самсунг» компьютери, шу русумдаги чанпотиги, «LG» русумли музлаткич, микротўқинли печ ва эркаклар дублёнкасини ўғирлаб кетганини маълум қилганди.

ҚАБИЖ НИЯТНИ КўЗЛАБ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида яшовчи М. Дмитрий «Москвич» русумли автомобилсининг давлат рақамлари ўғирлаб кетилгани ҳақида ИИБга хабар берди. Мазкур ҳолат юзасидан дарҳол жиноят иши қўзғатилиб, номаълум шахсни қидириб топиш чоралари қўрилди. Тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни Яккасарой туманида яшовчи Э. Бахтиёр содир этгани аниқланиб, қўлга олинди.

Норали ОЧИЛОВ, катта лейтенант.

Маърифат дарси

АҲМАД ЮГНАКИЙ ИЖОДИДА ИЛМНИНГ УЛУҒЛАНИШИ

XII асрнинг охири XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган адиб Аҳмад Югнакий ўзбек адабиёти, маданияти ва маънавияти ривожига муносиб хисса қўшган аждодларимиздан биридир. Унинг қаламига мансуб беназир дурдона – «Ҳақиқатлар армуғони» саккиз асрдирки инсониятни эзгуликка чорлаб келмоқда.

Аҳмад Югнакий ҳаёти ва ижоди ҳақида бизгача жуда кам маълумотлар етиб келган. Айрим қимматли маълумотларни адиб ўз асаридида қайд этган. Шойир шундай ёзди: **Адиб Аҳмад отим, адаб, панд сўзим, Сўзим мунда қолур, борур бу ўзим.** Шунингдек, адиб «Ҳақиқатлар армуғони»да ўзи туғилиб ўсган юрт ҳақидаги чизгиларга ҳам алоҳида урғу беради.



Аҳмад Югнакийнинг портрети

Адибнинг ери оти Югнак эрур, Сафолик ажаб ер, кўнгилар эрур. Атоси оти Маҳмуди Югнакий, Адиб Аҳмад ўгли, йўқ ул ҳеч шаки. Ушбу мисралардан адибнинг мухтасар таржимаи холи, киндик қони тўкилган юртига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати англашилиб турибди. У кўнгиларни эритадиган «сафолик ажаб ер» – Югнакий фахр-ифтихор ила тилга олади. Урта Осиё ҳудудидан Югнак ва Югноқ номи билан юритилган манзиллар Фарғона водийсидега, Самарқанд ҳамда Туркистон шаҳарлари атрофида учрайди. Аммо адибнинг бу шаҳарларнинг қайси биридега яшаб ўтганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат» асаридеги Аҳмад ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзди: «Анинг ишида гариб (ажойиб), нималар манкулдур (нақл қилинган). Делрлари, кўзлари бутон (битган ёпиқ) эрмишкиса, асло зоҳир эрмас эрмиш. Басир (кўрмайдиган) бўлиб, ўзга басирлардек андоқ эрмас эрмишкиса, кўз бўлгай. Аммо бағоят зийрак ва закый зоҳид муттақий (тақводор, парҳезгор) киши эрмиш...»

рим кўзи очик одамларнинг басир қалб кўзини очичига интилади. «Ҳақиқатлар армуғони» китобининг уч қадирий қўлёзмаси мавжуд. Энг қадирий қўлёзма Самарқандда хаттот Зайнул Обидин Султонбаҳт Журжоний томонидан уйғур ёзувида кўчирилган ва номаълум сабабларга кўра 1444 йилда Туркияга олиб берилган. 1480 йилда Урта Осиёдан Туркияга борган Абдураҳзон баҳши ушбу китобдан уйғур ва араб ёзувларида иккита нусха кўчирган. Аини пайтда учалла нусха ҳам Истанбулда сақланади. Кейинроқ асарнинг яна икки нусхаси топилган.

Зайнул Обиддин томонидан кўчирилган китоб нусхасида китобнинг номи «Атебат ул-ҳақойик» («Ҳақиқатлар эшиги») деб номланган. Кейинги нусхаларга эса «Айбат ул-ҳақойик» ва «Ҳақиқатлар армуғони» деб ном берилган. Адабиётшуноскида «Ҳақиқатлар армуғони» номи билан юритилган бу асар илк бор 1951 йилда Арат Раҳматий томонидан Туркияда, 1971 йилда Қозоқбой Маҳмудов томонидан Ўзбекистонда чоп этилган.

«Ҳақиқатлар армуғони» адибнинг кўп йиллик ўқиби-ўрганишлари, изланишлари, таҳрири ва кузатишлари натижасида «қиқраган хулосалари» ҳақиқатлари демакдир. Аҳмад Югнакий пандмоҳа руҳидаги ушбу китобини замондоши Дод Сипоҳсорборбекка бағишлаб битган. (Сипоҳсорбор сўзи – бош қўмондон деган маънони билдиради).

Асар 14 боб, 256 байт (512 сатр)дан иборат бўлиб, ундаги етакчи гоё илм-маърифатдир. «Ҳақиқатлар армуғони» асарининг асослари каби аънавий ҳамд, наът ва бағишловлар билан бошланади. Сўнг билмининг фойдалари ва жоҳилликнинг зарарлари, тил одоби ва уни тўғиш, саҳийлик, баҳиллик ҳақида сўз юритилади.

Тарихдан аждодларимиз илм-маърифатни, оқил кишиларни бе ниҳоят қадрлаганлари яхши маълум. Бу мавзуга сўз санъатининг панд-насихат руҳи етакчилик қилган қадирий даврларда яратилган асарларда айниқса катта ўрин эҳрофиялади. Бошқа замондошлари ҳамда салафлари каби Аҳмад Югнакий ҳам «Ҳақиқатлар армуғони»да билмдон ва илм-маърифатли кишиларни улуғлайди, билмисизлик ва жоҳилликни кескин қоралайди:

Баҳолик динор ул биликлик киши, Бу жоҳил билмисиз, баҳосиз биши. Биликлик билмисиз қачон тенг бўлур, Биликлик тиши эр, жаҳил эр – тиши. Маъноси: билмисиз киши баҳосиз, қадр баланд бўлган динор – олтинга, жоҳил, билмисиз одам эса қадрий йўқ мевага ўхшайди. Илми ва илмисиз одам қачон

тенг бўлган? Билимли аёл эркак, жоҳил эркак эса аёл қабилидир. Аҳмад Югнакийнинг айтишича, билимли кишига дунё сир-асрорларини эгаллаш қийинчилик туғдирмайди. У ўз ақл-идроки, билими орқали тириклик ва ҳаёт моҳиятини англаб етди. Тирикликнинг моҳиятини англаган инсон эса бахт ва вақт қадрига етди. Жоҳил одам учун дунё – қайғу. Жоҳил атрофида, жамяятда рўй бераётган воқеа-ходисаларга холис баҳо беролмайди. Натижада у нима учун яшаётгани, қандай яшаш кераклигини билмай, дунёни тарк этади.

Алишер Навоий Аҳмад Югнакийнинг панд-насихатларини шеъррий йул билан таъсирчан усулда баён этиш маҳоратига алоҳида урғу бериб, кўнидаги байтларни шойирга нисбат беради:

Улуғлар не берса, емасан дема, Илик сун, огиз ур, емасанг ема. **Сўнгакка иликтур, эранга – билик, Биликсиз эран – ул сўнгаксиз илик.** Яъни, улуғ кишилар сенга бирон сани илинсалар, емайман дема. Емасанг ҳам уни қўлингга ол, егандек бўл. Сўнгак (суяк) илги билан, эр йигит билими билан қадрлидир.

Юқоридеги фикрларни тўғридан-тўғри ёки кўча маънода қабул қилиш мумкин. Бу байтлардан улуғлар (оқил, доно ва фозил кишилар) сенга панд-насихат қилсалар, уларга кулук тут. Ҳар бир сўзининг маъноси чак, бу сен учун фақат фойда келтирилади. Суяк илги билан қадрли бўлганга каби йигит билими, ақл-заковати билан қадрлидир, деган маънони уқиб мумкин. Аҳмад Югнакийнинг фикрича, инсонни ҳақиқий бахтга етказувчи йул битта, у ҳам бўлса илм йулдир. Илмисиз киши тирик йулдир. «Ҳақиқатлар армуғони»да тил одоби ҳақида келтирилган фикрлар ҳам диққатга сазовор. Адиб умумла маданияти инсоннинг зийнати эканини таъкидлаб баробарида, сўзлаш одобиغا риоя қилмоқ учун ҳам инсон маълум даражада билмдон бўлмоғи

кераклигини қайд этади. «Яхшига ёндаш, ёмондан қоч», «Авал ўйла, кейин сўйла» каби ўзбек халқ мақолларининг шеъррий ифодаси Аҳмад Югнакий талқинида кўнидаги кўриниш касб этади: **Айа дўст, биликлик йизин излагил, Қали сўзласанг сўз, билиб сўзлагил.** Маъноси: эй дўст, ҳаммиса билимли киши изидан юр. Ҳар бир сўзининг уйлаб, билиб сўзлашни одат қил.

Эл орасида инсоннинг қадрини бўлалди тутувица сифатлардан бири инсон умумла маданиятидир. «Айтилган сўз – отилган ўқ», «Тиг яраси битар, тил яраси битмас» каби мақоллар «Ҳақиқатлар армуғони»нинг мазмун-моҳиятига мувофиқ билан сингдириб юборилган. Адиб сўзловчи Ҳар бир сўзга эътиборли бўлиши, сўзлаётганда шохшамлиги, энг муҳими, тинглашни ҳам билиши лозимлигига эътибор қаратади. Агар кишининг ўз сўзида ишончи бўлмаса, яхшиси, уни пинҳон сақлаган, айтмаган маъқул.

Сўз сўзла сўзни, эва сўзлама, Сўзиг кизла, кезин башинг кизлама. Мазмуни: Ҳар бир сўзни ўқиб, кейин сўзла, беҳуда гапни айтишдан тийил. Беҳуда сўзни яшир, кейин бошингни яшириб юрма. Яъни, беҳуда сўзни сўзлаб қўйиб, ке-

йн уялиб, бош кўтаролмай юргандан ёки пушаймон бўлгандан кўра тилни тийган маъқулроқ. Озгига келганни демак, ёлгончилик ҳам аслида билмисизликнинг нордон меваларидир. Билимли киши бундай номмакул одатларга яқин йўламайди, оғзидан чиқётган Ҳар бир сўзини ақл тарозисига солиб, мулоҳаза қилиб кўради.

Биликлик сўзи панд, насихат, адаб, Биликликни ўғди ажама ҳам араб, Таварсизга билги тугунмас тавар, Хисабсизка билги ярилмас хисаб. Мазмуни: билимли кишининг сўзи панд, насихат ва одобдир. Шу боис билимли одамларни ажама (араб тилида сўзлашмайдиган) ва араб мамлакатларида ҳам бирдек олқишласади. Илм мол-дунёсиз, фақир киши учун туғанмас давлатдир. Хисобсизга эса унинг билими ечилмас ҳисобдир.

«Ҳақиқатлар армуғони» асари Аҳмад Югнакийнинг нақадар билмдон, кенг тафаккур эгаси эканидан далолат беради. Асар билан таъриф қилган адибнинг ўзига қадар яшаб ўтган алломалар ижодини ҳам пухта ўқиб, ўқиб-ўқиб эътибор қаратади. Шойир «Уқимишли, саводли кишилар фойдалансин деб китобини турли масаллар билан сўзлаб беради», дея бежиз айтган. Бу сўз билан айтганда, аждодларимиздан бебаҳо мерос бўлиб қолган асарларда илми суриилган умуминсоний қоялар, қимматли фикрлар хануз ўз қадрини йўқотмаган. Улар яна неча-неча авлодлар учун илм-маърифат манбаи вазифининг ўташ шубҳасиз.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА, филология фанлари номзоди.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Замонавий давлатчиликда Конституция асосий қонун ҳисобланади. Барча қонунлар шу Бош ҳуқуқий ҳужжат асосида қабул қилинади. Демократик жамяятда инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари давлатнинг асосий қонунда белгиланган берилади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституцияси чинакамга инсон манфаатлари ҳимоячиси сифатида аҳамиятли.

Инсон – жонли ва ақли мавжудот. У, аввало, яшаш ҳуқуқига ҳамда бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Муҳаддима», 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Иккинчи бўлим «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланади. Унинг тарихига 7 боб киради.

18-моддада Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги қайд этилган.

22-моддада биноан, Ўзбекистон Республикасида ҳудудидида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга қамқилиш қўрсатишни кафолатлайди. Биз ҳозир глобаллашув замонида яшайлик. Мамлакатимиз жаҳон билан узвий боғланди. Фуқароларимиз хорижий мамлакатларда турли сабаблар билан борди истикомат қилаётгани каби, ўзимизда ҳам чет эллик фуқаролар мавжуд. Конституциямизнинг 23-моддасида мамлакатимиз ҳудудидида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳалқроқ ҳуқуқ меъёриларига мувофиқ таъминланиши кафолатланади. Шуниси қизиқки, бундай кишилар Конституция, кўнунларимиз ҳамда халққаро шартномалар билан белгиланган бурчларни адо этади.

Конституциямиз кафолатлайдики, яшаш ҳуқуқи – Ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи, шунинг учун инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади (24-модда); Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда хибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (25-модда); жиноят содир этганликда айбланаёт-

орқали давлат аҳамиятига эга муҳим масаланинг ҳал этилишида бевосита иштироки, сайлов йўли билан давлат раҳбарини, қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари, ўзини ўзи бошқариш органи, яъни маҳалла раҳбариятини таллашиш орқали кечад. Кўпчилик овоз билан сайланганлар эса сайловчилар ишончини оқлаш учун интилади.

33-модда сиёсий ҳуқуқнинг яна бир қиррасини ойдинлаштирилади: «Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларида мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Хокимият органлари фақат хавфсизлик нуктаи назаридангина бундай тadbирлар ўтказиши шарт. 2001 йилнинг 4 январидидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияни ўрганишни кучайтиришга қаратилган Фармойишидан қўзланган асл мақсад ҳам кишиларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий онгини ошириш назарда тутати. Бу тарихий ҳужжатда белгиланган вазифарларни амалга ошириш бугунги кунда ҳам ўта долзарб бўлиб турибди. Чунки Конституция ҳар ким, ҳар доим ўрганиб бориладиган ҳужжат ҳисобланади. Фуқаронинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини белгилаб берган IX бобда Ҳар бир шахс

жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этишчи муҳолифотчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким қамситиши мумкин эмас.»
